

Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

www.itm.uz

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы



CEDR

ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

№ 5(125), 2019

- ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ /
МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА
- ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ /
РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ /
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА
- БЮДЖЕТ ТИЗИМИ /
БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги таъкидот билан амалга ошириш.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах:

- совершенствование государственного и общественного строительства;
- обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебной-правовой системы;
- развитие и либерализация экономики;
- развитие социальной сферы;
- обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.

ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан
 Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Журнал издаётся в сотрудничестве с Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот марказининг

НАШР ОРГАНИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда нашр этилади

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№5 (125), 2019

2	ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ / ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА Расулев А.Ф., Хасанов Р.Р. Некоторые аспекты легализации частной собственности в экономике Узбекистана
8	ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ Дусмуратов Ф.Д., Табаев А.З. Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шерикчилигининг аҳамияти ва бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари
14	Буранова М.А. Модернизация – ключ к развитию энергетики
20	Топилдиев С. Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари
26	МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА Муминова Э.А., Курпаяниди К.И., Толибов И.Ш. Миллий меҳнат бозорида рекрутинг фирмалари фаолиятининг хусусиятлари
32	Азизова С.Х., Вдовиченко Л.Ю. Мотивация работников как фактор повышения трудовой дисциплины
38	Мирзамаҳмудова М.О. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ислоҳ этиш борасида олиб бораётган фаолияти
46	Абдулхалилова С.Н., Эгамбердиев К.Ф. Мамлакат ривожда аҳоли бандлиги ва уни таъминлашнинг устувор вазифалари
52	МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ / РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА Қаюмов А.А., Адилов Б.Б. Урбанизация жараёни: ҳозирги ҳолат ва оқибатлар
57	Валиев Б.Б. Ҳудудларда иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришни оширишда инвестиция ресурсларини фаол жалб қилиш йўллари
65	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

- Ўзбекистон Республикаси **ОАК** рўйхатига киритилган.
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган.
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган.
- **East View** базасига киритилган.

- Включён в список **ВАК** Республики Узбекистан.
- Входит в базу данных **РИНЦ**.
- Входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**.
- Входит в базу **EastView**.

23.12.2016, № 232/5

https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

<https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Дусмуратов Ғанийбай Давлетбаевич,
иқтисод фанлари номзоди, доцент,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш муҳандислари институти;
Табаев Азамат Зарипбаевич,
доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти

СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 626.81:334.722:657

ДУСМУРАТОВ Ғ.Д., ТАБАЕВ А.З. СУВ ХЎЖАЛИГИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада давлат-хусусий шерикчилик тамойилларида яратилган ташкилотларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Давлат-хусусий шерикчилик шартларида хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича таклифлар берилган.

Таянч иборалар: сув хўжалиги, давлат-хусусий шерикчилик, бухгалтерия ҳисоби, харажатлар, даромадлар, концессия.

ДУСМУРАТОВ Ғ.Д., ТАБАЕВ А.З. ЗНАЧЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ВОДНОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ОСОБЕННОСТИ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА

В статье рассматриваются особенности бухгалтерского учета в организациях, созданных на принципах государственно-частного партнерства. Даны предложения по ведению бухгалтерского учета в хозяйственной деятельности по условиям государственно-частного партнерства.

Ключевые слова: водное хозяйство, государственно-частное партнерство, бухгалтерский учет, затраты, доходы, концессия.

DUSMURATOV G.D., TABAEV A.Z. VALUES OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN WATER ECONOMY AND PECULIARITIES OF ACCOUNTING ACCOUNTING

There is discussed in the article features of accounting in organizations established on the principles of public-private partnership. There are provided proposals for accounting in business activities under the terms of public-private partnership.

Keywords: water management, public-private partnership, accounting, costs, income, concession.

Кириш. Давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми сифатида қўлчилик дунё мамлакатларида турли хил муваффақият билан ривожланмоқда. Давлат ва хусусий сектор ўзаро алоқаларининг ягона таъсирчан воситаси ҳисобланиб, ДХШ бюджет тақчиллиги ўрнини тўлдиради ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим стратегик вазифаларини ҳал этади. Шундай экан, иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг замонавий шаклларида бири давлат-хусусий шерикчилиги (ДХШ) ҳисобланади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Давлат-хусусий шерикчилиги ишларни ташкил этиш механизмида, бунда давлат ўзининг компетенциясида назарда тутилган масалаларни ҳал қилади, бизнес эса қўшимча маҳсулот олади ва лойиҳани ўзлаштиришнинг барча босқичларида риск даражасини пасайтиришга эришади.

Давлат ва хусусий тадбиркорнинг куч-қудратини бирлаштириш турли хил йўналишларда, масалан, таваккалчиликлар, компетенциялар, жавобгарликни ажратиш шартларида, қурилиш, реконструкция қилиш, модернизациялаш, техник хизмат кўрсатиш учун амалга оширилиши мумкин.

Лойиҳаларда иштирок этишнинг жозибадорлиги ҳар бир субъект учун ҳар хил.

Хусусий бизнес учун бу:

- катта ҳажмдаги маблағларни узоқ муддатга кам фоизда инвестиция сифатида жалб қилиш;
- давлат билан бизнесдаги таваккалчиликни тақсимлаш имконияти;
- тегишли хизматларни сотиш бозорида рақобатни енгиллаштириш.

Давлат учун бу:

- бюджет маблағларини сезиларли даражада тежаш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- тегишли инфраструктура, жумладан сув хўжалиги муаммоларини етарлича тезда ҳал этиш имконияти.

Муаммонинг қўйилиши. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шерикчилиги механизмларини қонунчилик даражасида бириктириш жараёни давом этмоқда.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шунингдек, турли тармоқларда мазкур соҳани тартибга соладиган низом ва қоидалар ишлаб чиқилиб қабул қилинмоқда. Хусусан, «Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий

шериклик тўғрисида»ги Низом (2018 йил август) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва муҳокамага қўйилган. Шунинг билан бирга давлат-хусусий шерикчилиги тамойилларида яратилган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам шакллантириш давом этмоқда.

Ташкилот яратиш давлат-хусусий шерикчилиги иштирокчилари тақдим этадиган маълум миқдордаги активларни талаб этади.

Тадқиқот мақсади. Сув хўжалигида давлат-хусусий шерикчилигининг аҳамиятини ёритиш ва бухгалтерия ҳисоби хусусиятларини юзага чиқаришдан иборат.

Илмий моҳияти. Сув хўжалигида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш жараёнида қонунчилик асосида концессия муносабатлари модели ишлаб чиқилди. Шериклик юзасидан вужудга келган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича ҳисобварақлар боғланиш тартиби кўрсатиб берилди.


Тадқиқот методлари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таҳлил қилиш, таққослаш, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, абстракт фикрлаш ва монографик кузатиш усулларида кенг фойдаланилди.

Асосий натижалар. ДХШ асосида амалга ошириладиган муносабатларнинг бухгалтерия ҳисобини меъёрлар ёрдамида бошқаришнинг 4 даражаси тизимини кўзда тутди. Биринчи даража – қонун ҳужжатлари бўлиб, масалан, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни [2]; иккинчи даража – бухгалтерия ҳисоби миллий андозлари; учинчи даража – бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хилма-хил услубий кўрсатмалар ва тавсиялар; тўртинчи даража – ҳисоб сиёсатини белгилаш ва ҳужжатлар айланишини юритиш учун шериклар томонидан юритиладиган иш ҳужжатлари.

Хорижий инвесторларнинг ДХШ муносабатларини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Концессиялар тўғрисида»ги Қонуни [1] билан белгиланади (1-расм).

Концессиячилик фаолиятининг асоси қуйидагилардан иборат:

- ўзаро манфаатдорлик;
- концессиячиларни танлов, аукцион асосида ажратиш олиш;
- концессиячининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ

1-расм. Концессия муносабатлари модели¹.

олиб бораётган хўжалик фаолиятига аралашмаслик;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни ҳимоялаш, экология ва санитария-гигиена хавфсизлиги соҳаларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ҳужжатларига риоя этиш;

- агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномалар ёки битимларда ўзгача шартлар назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида амал қилиб турган стандартлар ва норматив ҳужжатларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш.

ДХШ да томон ўртасидаги муносабатлар ўзаро харажат ва даромадларнинг шаклланиши ҳамда тақсимланиши жараёнида фаол шаклланади. Шунинг учун ДХШда амалга оширилган харажатлар ва олинган даромадларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан

тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом [4] асосида юритилади.

Харажатларни молиялаштириш ёки қоплаш, шаклланган даромадларни тақсимлаш ёки тасарруф этиш тартиби ДХШ ўртасида тузилган шартномага мувофиқ юритилса, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда ҳисобга олиш тартиби юқорида келтирилган Низом асосида амалга оширилади (1-жадвал).

Шунингдек, ДХШ иштирокчилари ўзаро шерикчилик асосида алоҳида хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилган ҳолда бирор-бир фаолиятни юритиши кўзда тутилса, давлат ёки хусусий мулкдорларнинг улушини шакллантиришда ҳар бир иштирокчининг улуши ҳисобда қуйидагича акс эттирилиши лозим [5,6]:

Дебет 4610 - «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи»;

Кредит 8330 - «Пай ва кўйилмалар».

¹ Муаллифлар ишланмаси.

1-жадвал. Бухгалтерия ҳисобида харажат ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби¹.

№	Ҳўжалик жараёнлари	Дебет	Кредит
1	Асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	6710 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи
2	Иш ҳақиға нисбатан бюджетдан ташқари фондларга ажратма қилинди	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	6520 - «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағи
3	Асосий ишлаб чиқариш учун сарфланган хом ашё ва материаллар ҳисобга олинди	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	1000 - «Материалларни ҳисобга олувчи» ҳисобварақ
4	Асосий ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий восита ва номоддий активлар учун ҳисобланган амортизация ажратмаларига	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	0200 – «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»; 0500 – «Номоддий активларни эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»
5	Бошқа харажатларни асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибига ўтказилганда	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	2310, 2510, 2610 ва ҳ.к.
6	Асосий ишлаб чиқариш учун мол етказиб берувчилар ва таъминотчилар ҳамда бошқа субъектлар томонидан бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар ҳисобга олинганда	2010 - «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи	6010, 6990 ҳисобварақлар
7	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромад ҳисобга олинганда	Дебет 4010 – «Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»	Кредит 6410 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» (ҚҚС учун); 9010 – «Маҳсулот сотишдан олинган даромад»

Давлат ва хусусий мулкдорлар ўз улушларини шакллантиришни бевосита моддий ва номоддий активлар орқали амалга оширсалар қуйидагича ҳисобга олиниши кўзда тутилади:

Дебет – 0100, 0400, 0800, 1000, 5010, 5110, 5210 ва ҳ.к.;

Кредит 4610 - «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи».

Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик қуйидаги тамойилларга асосланади:

- давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва қулайлиги, бундан давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил қилган маълумотлар мустасно;

- камситишнинг йўқлиги, битим томонларининг тенг ҳуқуқлилиги;

- томонларнинг битим бўйича мажбуриятларни виждонан бажариши;

- хавф-хатарлар ва мажбуриятларнинг битим томонлари ўртасида адолатли тақсимланиши;

- давлат-хусусий шериклик томонлари ўзаро муносабатларининг шартномада келишиб олинган асоси.

Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик қуйидаги шаклларда амалга оширилади [3]:

- қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув ҳўжалиги объектларининг ер майдоналарида бепул сув етказиб бериш шarti билан ер участкаларини тақдим этиш;

- балиқ етиштирувчи субъектларга суғориш тармоқлари (каналлар)дан бепул фойдаланиш учун сув майдонлари ажратиб бериш;

- сув ҳўжалиги объектларини қуришда лойиҳалаштириш ва тозалаш ҳамда пудрат ишларида иштирок этиш;

- сув омборларида туристик фаолиятни ташкил этиш.

Хулоса ва таклифлар. Сув ҳўжалигида давлат-хусусий шериклик шаклларида реал шароитда сув ҳўжалиги объектларини қуришда лойиҳалаштириш ва тозалаш ҳамда пудрат ишларида иштирок этиш мақсадга мувофиқ. Бунда давлат-

¹ Муаллифлар ишланмаси.

хусусий шериклик танлов асосида амалга оширилади. Давлат-хусусий шериклик амалга ошириш тақдим этиладиган сув хўжалиги объектлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектлари электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилинмоқда [7].

Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, дарёлар ўзанларини тозалашда қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари транспорт ва йўл инфратузилмаси объектларини, шунингдек, давлат дастурлари, йирик инвестиция лойиҳалари ва давлат аҳамиятига эга бошқа лойиҳалар доирасида қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси ва тадбиркорлик субъектлари ёки бошқа ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилиб, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин. Сув хўжалиги қурилиш-монтаж ишлари таркибида бетон, қум-шағал билан боғлиқ ишларнинг катта ҳажмда амалга оширилиши сабабли эҳтиёжнинг қондирилиши учун дарё участкаларидаги қум-шағаллардан шартнома асосида фойдаланишга рухсат беради.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва улар оқибатида зарарланган дарёлар қирғоқлари ва улардаги дамбаларни тиклашга дарё ўзанларидан қазиб олинган қум-шағал материаллари учун тўловлар ундирилмайди. Бунда лойиҳада белгиланган захира қирғоқлар ва дамбаларни тиклаш учун олинган қум-шағал материаллари ҳажмига камайтирилади.

Мутасадди вазирликлар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида дарёлар ўзанларида қум-шағал материаллари тўпланиб қолган

ва тозаланиши лозим бўлган участкалар рўйхати шакллантирилади ва тадбиркорлик субъектларига дарё ўзанларини тозалашда фақат қирғоқлар ювилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ва сув оқимларига тўсқинлик қилаётган ўзанда йиғилиб қолган қум-шағал материаллари ҳажми қазиб олинишига рухсат этилади ва лойиҳалаштирилади.

Лойиҳа ҳужжатларида қуйидагилар акс этади:

- лойиҳанинг мақсади;
- қум-шағал захирасининг ҳажми;
- лойиҳадан кутиладиган натижа;
- лойиҳани амалга ошириш муддати ва жойи;
- лойиҳани амалга ошириш жойи жойлашган

ҳудуддан келиб чиққан ҳолда техник кўрсаткичлар.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари, «Хавфсиз дарё» ДУК, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг давлат экологик экспертизаси хулосаси олингандан сўнг қум-шағал материаллари тадбиркорлик субъектлари ўртасида аукцион орқали реализация қилинади.

Лойиҳанинг минимал қиймати лойиҳада кўрсатилган қум-шағал материаллари захирасининг ҳар 1 куб метри учун лойиҳа аукционга қўйилган кунда амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақининг икки фоизи миқдорида белгиланади. Лойиҳанинг минимал қиймати лойиҳани амалга ошириш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нарх ҳисобланади.

Давлат инвестиция дастурига киритилган қурилиши амалга оширилаётган сув хўжалиги объектлари лойиҳасида кўзда тутилган бетон ва тош ишлари учун зарур бўлган қум-шағалнинг юқорида аукционга қўйилиши кўзда тутилган қум-шағал захираси ҳисобидан бепул олинишига рухсат бериш орқали ДХШ муносабатларини тўлақонли амалга ошириш имкони мавжуд. Ушбу ДХШ муносабати натижасида давлат маблағларини тежаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг тежалган маблағлар ҳисобидан лойиҳа смета қиймати доирасида қўшимча даромадлар олиш имконияти вужудга келади.

Дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда охириги йилларда ДХШ механизми институтлари шакллантирилмоқда. ДХШ иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни таъминлайди ва захира имкониятларидан кенг фойдаланишга замин яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги «Концессиялар тўғрисида»ги ЎРҚ-110-I-сон Қонуни. www.lex.uz. <http://lex.uz/docs/118372>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни (янги таҳрирда). www.lex.uz. <http://lex.uz/docs/2931253>
3. «Сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Низом лойиҳаси. https://regulation.gov.uz/ru/document/113-suv_khzhaliigi_sohasida_davlat_khususiy_sheriklik_tugrisidagi_nizomni_tasdiqlash_haqida
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. www.lex.uz. <http://lex.uz/docs/264422>
5. Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. - Т.: «Шарқ», 2004. –592-б.
6. Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учет. - Т.: «Иқтисод-молия», 2011.
7. Тадбиркорлик субъектлари дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига жалб қилинади. <https://kun.uz/news/2018/12/05/tadbirkorlik-subektlari-darelar-uzanlarini-tozalas-islariga-zalbkilinadi>